

Козогистонда «Жулдыздар отбасы — Аныз адам» («Юлдузли уй – Афсона-одам») журналининг апрель сони Адольф Гитлернинг 125 йиллигига багишланди. Бу хакда REGNUM ахборот агентлиги хабар бермокда .

Агентликнинг хабар беришича, журналда нацистлар Германияси етакчисининг «кўп киррали шахс» эканлиги мухокама килинади: хусусан, «Гитлер – фашист эмас» маколасида муаллиф нацистлар дохийсини оклаб чикади. Яна бир макола эса Гитлернинг «Майн Кампф» китобига багишланган (Козогистон ёшлари медиа-иттифоки мувофиклаштирувчиси Руслан Минулиннинг сўзларига кўра , журналда, жумладан, «Майн Кампф»да «кўплаб муаммолар тўгри баён килингани»ни тасдикловчи таъкидларни топиш мумкин).

«Жулдыздар отбасы — Аныз адам» журнали козок тилида чоп этилади. Медиа-иттифок вакилининг маълумотларига кўра, журнал адади 25,2 минг нусхани ташкил этади. Журнал нархи – 250 танга (тахминан 2,5-3 минг сўм).

2013 йили самолётда маст холатда жанжал келтириб чиқарган Жарилкап Калибай журнал бош муҳаррири хисобланади. Калибайнинг ўзи кейинчалик айбини кисман тан олиб, самолётда у ўзининг «хизматларни давлат тилида кабул килиш» хукукидан фойдаланишга харакат килганини таъкидлаганди (унинг айтишича, авиакомпания ходимаси у билан факат рус тилида гаплашишга харакат килган).

Журналнинг Гитлерга бағишланган сони Козогистон Алока ва ахборот вазирлиги эътиборига тушган. Zakon.kz'нинг хабар беришича , агентлик журнал мундарижасида «Козогистон Конституцияси ва конунчилигининг ижтимоий, миллий, иркий ёки диний гараз келтириб чиқаришга доир кисмлари бўйича коидабузарликлар» борлигини маълум килган. Шу муносабат билан, амалдорлар журналга нисбатан чора кўришга ваъда беришган.

« Интерфакс » ахборот агентлигининг хабар беришича, журнални Олма-Ота ички сиёсат бошкармасида хам ўрганиб чикишмокда. «Журнал столимизда турибди. Журнал экспертизадан ўтказилиши ва унда фашизм таргиботи бор-йўклиги тасдикланиши керак», – дейишди бошкарма вакиллари.

Нашр мухаррири журналнинг янги сони атрофида юзага келган шов-шувни изохларкан, у Гитлер каби шахслардан халкка канчалик зарар етиши мумкинлигини кўрсатмокчи бўлганини таъкидлади. Унинг кайд этишича, ушбу мавзуга эътиборни жалб килишдан максад – «Козогистонни кўшни мамлакат – Россия империяси хукмдорининг хавфли сиёсатидан химоя килиш истаги» бўлган.

Манба: kun.uz